



ҚАДРИЯТЛАР МУАММОСИНИНГ ФАЛСАФИЙ-ТАРИХИЙ ТАҲЛИЛИ

Азимов Улуғбек Абдухалилович

Жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти Фарғона филиали доценти, ф.ф.б.ф.д (PhD).

Аннотация: Ушбу мақолада қадриятлар муаммосининг фалсафий-тарихий таҳлили заминимизда яратилган қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, дostonларга, халқ оғзаки ижоди намуналарида мавжудлиги, Шарқ маданияти тарихида қадриятларни ўрганиш, ўрта асрларда сиёсий қадриятларнинг ривожланиши, XIX асрнинг охирлари XX аср бошларида юртимизда қадриятлар масласига эътибор ҳақидаги маълумотлар берилган.

Калит сўзлар: қадрият, халқ оғзаки ижоди, сиёсий қадриятлар, шахсий қадриятлар, умумижтимоий қадриятлар, қадриятшунослик фани, Шарқ маданияти.

КИРИШ.

Қадриятлар муаммосининг фалсафий-тарихий таҳлили заминимизда яратилган қадимги нақллар, ривоятлар, афсона, ҳикоят, дostonларга, халқ оғзаки ижоди намуналарига бориб тақалади. Халқ оғзаки ижодида кўпроқ умумбашарий ва умуминсоний қадриятларга эътибор берилган бўлиб, уларнинг мазмуни ва моҳияти турлича талқин қилинади. Жумладан, Спитамен, Алпомиш, Тўмарис, Широқ тўғрисидаги дoston ва ривоятларда уларнинг ватанпарварлиги, юрт тинчлиги, эл озодлиги учун кураши фидойилик руҳида тасвирланган. Уларни моҳиятан қадимги юнонларнинг “Иллиада” ва “Одиссея” дostonлари билан қиёслаш мумкин.

Қадимги одамлар борлиқ тўғрисида ўйлаганларида, афсона, ҳикоят ёки дostonларида оламнинг қадри, унинг чексизлиги, коинот ва одамзод алоқалари, инсон умрининг маъноси, мазмуни, мақсади ҳақида фикр юритганлар, ботирлик, оқиллик, хокисорлик, яхшилик, вафодорлик, ватанпарварлик каби қадриятларга изоҳ берганлар, уларнинг баъзиларини ҳатто илоҳийлаштирганлар.

Қадриятлар масаласи Моний даври фалсафий-илоҳий таълимотида ҳам яққол ифодаланган. Монийнинг фикрича, икки дунё-зулмат ва зиё дунёси мавжуд. Биринчиси, адолатсизлик, зулм; иккинчиси, абадий емирилмайдиган, доимий қадриятлар дунёси. Моний таълимотида қадимги замоннинг асосий қадриятлари жамланган, уларнинг умумий тизими мифология, философия, космогония, астрономия ва бошқа ижтимоий-табиий билим соҳалари билан боғлиқликда тушунтирилган.

Қадриятларни ўрганишнинг қадимий илдизлари VI асрда яшаган Маздак таълимотида ҳам катта ўрин эгаллаган. Ислом маданияти юксалиши ва расмий



динга айланиши оқибатида бу излар хиралашиб, уларни аниқлаш қийинлашиб қолган.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР.

Шарқ маданияти тарихида муҳим ўрин тутган буюк мутафаккир аллома Форобий ҳам қадриятлар масаласини илмий нуқтаи назардан ўрганиб чиққан. Унинг қадриятлар тўғрисидаги фикрлари “Мадина ал-Фозила” рисоласида ўз аксини топган. Аллома ўзининг фозил жамият тўғрисидаги таълимотида юксак ғоялар, адолатли ижтимоий муносабатлар қарор топган даврда вужудга келадиган маънавий-ахлоқий қадриятларнинг умумий тизимини изоҳлаб берган. Форобий бундай жамиятда диний қадриятлар ҳам муайян аҳамиятга эга бўлишини, аммо унда Калом ва фикҳ вакиллари кишиларнинг маънавий-ахлоқий камолоти учун жавоб берадиган соҳаларни бошқаришлари, ижтимоий муносабатларнинг асосий соҳалари эса файласуф-ҳукмдорлар томонидан бошқариб борилишини таъкидлайди. Мутафаккир диний қарашлар ғоявий соҳада энг асосий аҳамият касб этган ўша даврда, нафақат Оллоҳ ғоясини, балки инсон, жамият ва илм-фан қадриятларини асослаб бера олган.

Қадриятлар масаласига Беруний асарларида ҳам катта эътибор қаратилган. Унинг фикрича, маънавий қадриятларнинг вужудга келиши ижтимоий муносабатлар, кишиларнинг яшаш тарзи, моддий эҳтиёжлари, қизиқишлари, манфаатлари, талаблари ва мақсадлари билан узвий боғланган бўлади. Шунингдек, кишилар ўртасидаги ҳамкорлик уларнинг бирлашиш эҳтиёжлари, ҳимоя қилиш қуроллари камлиги ва душманлардан ўзининг ҳимоя қилиш зарурати туфайли вужудга келган.

Қадриятлар муаммоси Ибн Синонинг ҳам диққат марказида турган. Олим асарларининг катта қисми фалсафий муаммоларга бағишланган бўлиб, уларнинг айримлари, масалан, “Адолат” номли фалсафий энциклопедия, “Шарқ фалсафаси”, “Яхши иш ва гуноҳ” асарлари бизгача етиб келмаган. Унинг қадриятлар масаласидаги қарашлари бизгача етиб келган “Донишнома”, “Соломон ва Ибсол” каби асарларида ўз ифодасини топган. Унинг назарида, борлиқ ва табиат инсонни ўраб турувчи абадий макондир. Шу жиҳатдан унинг қадри беқиёс, инсон ҳамма бойликларни табиатдан олади, ундан ўзига даво топади.

Ўрта асрларда сиёсий қадриятларнинг ривожланишида соҳибқирон Амир Темурнинг хизматлари алоҳида ўрин эгаллайди. Унинг подшоҳлар, ҳукмдор ва сиёсий арбобларнинг ахлоқ-одоб талаблари, давлат ва сиёсат қадриятларига аҳамият берилган қатор асарлари шарқда ва ғарбда машҳур бўлган, кўп марта чоп этилган. Энг муҳими, бугунги ҳаётимизда ҳам улар ўз долзарблигини сақлаб келмоқда. Унда сиёсатдоннинг юриш-туриши, сиёсат бобидаги фаолияти, халқ, кўшин, уламолар, аркони давлат ва бошқаларга муносабати учун асосий мезон бўладиган сиёсий қадриятлар ўша замон нуқтаи назаридан баён қилинган. Амир Темурнинг тарихимиздаги ўрни ва мамлакатни обод қилишдаги хизмати



эътиборга сазовордир. Унинг моҳир давлат арбоби, тажрибали сиёсатдон сифатидаги ўғит ва насиҳатлари кейинги давр сиёсий арбоблари учун муҳим қўлланма бўлиб хизмат қилган.

Қадриятлар таҳлилида Мирзо Улуғбекнинг фикрлари ҳам ўзига хос ўрин тутди. У ўз ҳукмронлиги даврида саройни маърифатли кишилар маконига айлантирди. Унинг маслакдошлари Қозизода Румий, Али Қушчи каби мутафаккирлар билан бирга юритган фикрлари қадриятлар, коинот сирлари, унда рўй бераётган жараёнларнинг аҳамиятини ўрганиш борасида ўз замонасидан сезиларли даражада илгарилаб кетди.

Улуғбек академиясининг фаолияти ўрта асрлар илмий ҳурфикрлилигининг энг ёрқин намуналаридан биридир. У бошчилик қилган олимлар диний кучларнинг хурофотга тўла фикрлари авж олган бир даврда коинот ва юлдузларни инсон учун абадий макон бўлган оламнинг башарий қадриятлари сифатида тушунганлар ва ҳайратланарли тарздаги аниқлик билан тадқиқ қилганлар.

Юртимиз маданиятида ўчмас из қолдирган буюк мутафаккир Низомиддин мир Алишер Навоий ўзининг асарларида қадриятлар масаласига инсон манфаатлари нуқтаи назаридан ёндашган. “Алишер Навоий инсонни бутун коинотнинг марказий сиймоси, бутун мавжудотнинг тожи, деб билади” [1; 137-б]

Унинг фикрлари тасаввуф таълимоти билан тўлиқ йўғрилган бўлиб, ушбу таълимот фақат ҳазрат Алишер Навоий эмас, балки Саъдий, Абдурахмон Жомий каби кўплаб ўрта аср мутафаккирлари қарашларида ҳам ўз аксини топган.

Алишер Навоийнинг одил жамият тўғрисидаги қарашларида умумижтимоий қадриятлар тизими, комил инсон таълимотида эса чин инсон қиёфасига хос шахсий қадриятлар тизими таърифланган. Бунда икки қадриятлар тизимининг ўзаро алоқадорлиги яққол кўриниб туради. Мутафаккирнинг маънавий қадриятлар тўғрисидаги ғоялари бугунги кунда ҳам бутунжаҳон миқёсида катта аҳамият касб этмоқда.

XIX асрнинг ўрталарига келиб, Марказий Осиё амирлик ва хонликларга бўлинганлигига қарамасдан, мустақил сиёсат юритиб келаётган Туркистон ўлкалари Чор Россияси томонидан босиб олинди, юртимиз империянинг мустамлакасига айлантирилди. Шундай бўлса-да, Аҳмад Дониш, Сатторхон, Зокиржон Фурқат, Муҳаммад Аминхўжа Муқимий ва бошқалар ўз ижодларида маърифатпарварлик ғояларини кенг тарғиб қилдилар. Уларнинг асарларида шарқона қадриятлар, илмпарварлик, инсонпарварлик каби ғоялар ўз аксини топган. Улар зулмлардан қутулиш учун нажот йўли маърифат эканини теран англадилар. Жумладан, Аҳмад Донишнинг “Ўғилларга насиҳат” номли асарида бундай ғоялар яққол кўзга ташланади, унда маънавий қадриятлар, унинг инсон камолоти учун аҳамияти баён этилган ҳамда инсонлар маърифатга тарғиб қилинган.



XIX асрнинг охирлари XX аср бошларида юртимизда вужудга келган “қадимлар” ва “жадидлар” оқими ҳаётда рўй бераётган турли ўзгаришларни ўрганиш, умуммиллий қадриятларимизни жаҳон тараққиёти талаблари асосида таҳлил қилиш каби ғояларни илгари сурди. Бунда Исмоилбей Гаспирали, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Сўфизода, Саидрасул Азизий, Мунавварқори, Абдулла Авлоний, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат каби маърифатпарварлар халқнинг маънавий аҳволига салмоқли ижобий ҳисса қўшдилар.

Қадриятлар билан боғлиқ муаммолар жадидларнинг диққат марказида турган, улар шарқона қадриятлар борасида қимматли фикрларни баён қилганлар. Бу борада Абдулла Авлоний ҳаракатларининг ўрни алоҳида аҳамиятга молик. Унинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида ўзига хос маънавий қадриятлар тизими таърифлаб берилган. Асарда матонат, назофат, ғайрат, риёзат, шижоат, қаноат, илм, сабр каби қадриятлар “яхши хулқлар” деган умумий ном остида таҳлил қилинган. “Ёмон хулқлар”га эса ғазаб, жаҳолат, разолат, адоват, хасосат, ғийбат, ҳақорат кабилар мисол бўлиши айтиб ўтилган. Агар ушбу асарда тилга олинган қадрият номларига диққат қилинса, ўша даврда юртимизда маънавий тушунчаларнинг кўлами қанчалик кенг бўлганлигини, тилимизнинг нақадар бойлигини кўриш мумкин.

Гувоҳи бўлганимиздек, юртимизда қадриятлар масаласи ўзининг узоқ ва бой ўтмишига эга, унинг илдизлари жуда қадим замонларга бориб тарқалади. Қадриятшуносликнинг асл дурдоналарини ғарбдан эмас, балки шарқдан қидирмоқ лозим. Бу билан қадриятшунослик фанига юртимиз тарихида ўз ўтмишига эга бўлган билимлар соҳаси сифатида қараш ва мамлакатимизда бу фаннинг замонавий ривожланишини белгилайдиган асослар бор, дейиш мумкин. Афсуски, масаланинг замонавий қадриятшунослик билан боғлиқ бу жиҳати ҳалигача тўла-тўқис ўрганилмаган, соҳанинг ўта қизиқарли ва ғоят долзарб масалалари ўз тадқиқотчиларини кутмоқда.

Қадриятшунослик, асосан, қадриятлар, уларнинг намоён бўлиш шакллари, қадрлаш ҳисси, қадрлаш туйғуси, реалликка қадриятли муносабат ва аксиологик ёндашувларнинг тараққиёт жараёнида қадриятлар соҳасидаги ўзгаришлари, қадрлаш ва қадрсизланиш муаммолари, тарихни аксиологик тушуниш, қадрият тизимларининг амал қилиш хусусиятлари ва энг муҳими, инсон ва инсонийлик тўғрисидаги масалаларни ўрганади. Инсон ва унинг олижаноб фазилатлари энг юксак қадрият эканлигини ҳаётнинг ўзи исботлаб бермоқда. Чунки жамият эришган ютуқлар, авваламбор, инсон меҳнати ва ақл-заковати билан боғлиқ.

Аксиология қадриятларга, аввало, умумий категория сифатида қарайди. Бунда қадриятларнинг моҳияти, мазмуни, объектив асослари ва субъектив жиҳатлари, уларнинг тузилиши, намоён бўлиш шакллари ҳамда англаниш жараёнлари тавсифланади. Қадриятлар категорияси кўпроқ умумийликни англатса-да, хусусийлик ва алоҳидаликнинг қадриятларда намоён бўлиши



билишнинг анализ, синтез, таққослаш, умумлаштириш, абстрактлик ва конкретлик усуллари асосида ўрганилади.

XXI асрда инсоният Шарқ фалсафаси анъаналарига, қадриятларига кўр-кўрона қайтиши шарт эмас. Гап фалсафаси умуминсоний қадрият эканини эътироф этиб, Шарқ фалсафаси анъаналари ва қадриятларидан кенгроқ, оқилона фойдаланиш устида бормоқда. [2] Қадриятларга холисона ёндашиш, улардан ижтимоий, тарбиявий масалаларни ҳал этишда самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Истиқлол миллий-маънавий тушунчаларнинг ҳаётимизга кириб келишига замин яратиб берди. Эндиликда “қадрият”, “мустақиллик”, “истиқлол”, “миллий ифтихор” каби тушунчалар ўзининг асл мазмунига эга бўлмоқда. [1; 9-б] Мазкур атамаларнинг ҳаётимизга кириб келиши ва қисқа вақт ичида теран илдиз отиб кетишида юртимизнинг турли соҳадаги ютуқлари амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов “Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айтиб чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги – мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгилаш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашни ошириш, аҳолининг сиёсий етуқлиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади” [3;140-б] – деб таъкидлаган эди.

ХУЛОСА

Дунёда фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлатнинг қарор топишини унинг талабларига мос келувчи аксиологик онгсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу боис ёшлар аксиологик онгини шакллантириш муаммоси ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этади. Дунёнинг демократик давлатларида жамият ҳаётининг демократлашуви, демократик қадриятларнинг қарор топиши, модернизация шароитида аксиологик онг муаммоси назарий тафаккурнинг устувор йўналишига айланди.

Ўзбекистонда жамиятни демократик янгилаш жараёнида инсон, аниқса, ёшларнинг аксиологик онгини ғоят мураккаб ва зиддиятли феномен сифатида назарий таҳлил қилиш объектив тарзда янгича ёндашувни тақозо қилади. Бундай янгича ёндашув эса жамият ҳаётини демократлаштириш жараёнида миллий таркибий қисм – миллий менталитетни, албатта, ҳисобга олиш заруратини туғдиради. Зеро, жамиятни демократлаштириш даражаси ва суръатлари функционал тарзда демократик сиёсий онгни шакллантириш жараёнига таъсир этувчи миллий менталитет ва унинг табиати билан функционал равишда боғлиқдир. Шу сабабли бугунги кунда мамлакатимизда



шаклланаётган янги ижтимоий реаллик – жамиятни демократлаштириш шароитида жамоавийлик ва патернализмнинг айрим хусусиятларининг Ўзбекистон ёшларининг сиёсий онгини шакллантириш жараёнига таъсирини тадқиқ қилиш ҳаётий долзарб муаммога айланди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Тўланов. Ж. Қадриятлар фалсафаси. Тошкент.: Ўзбекистон. 1998,-Б.137.
2. Юсупов.Э. Шарқ фалсафаси ва инсонпарварлик. «Жаҳон адабиёти» журнали, 2003 йил, 10-сон
3. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон. 1995, -Б.140.
4. Azimov U., Umurzakov A. HIERARCHY OF VALUES AND PERSONAL VALUES //Экономика и социум. – 2021. – №. 1-1 (80). – С. 354-355.
5. Азимов У. Фуқаролик жамияти шароитида ёшларда демократик ислохотларга аксиологик муносабатни миллий қадриятлар асосида ривожлантириш омиллари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 296-302.
6. Азимов У., Холназарова Ш. Ёшларнинг демократик ислохотларга аксиологик муносабатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари //Общество и инновации. – 2021. – Т. 2. – №. 8/S. – С. 480-492.
7. Азимов У. А. ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИ ВА ФАРОВОНЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЁШЛАРНИНГ ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАРГА АКСИОЛОГИК МУНОСАБАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ ЎРНИ ВА ВАЗИФАЛАРИ //Scientific progress. – 2021. – Т. 2. – №. 1. – С. 1558-1562.
8. Рафиқова Д., Азимов У. ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ВА ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШ //Экономика и социум. – 2021. – №. 2-2 (81). – С. 167-169.
9. Рафиқова Д., Азимов У. MODERNIZATION OF EDUCATION AND INCREASING THE QUALITY OF EDUCATION //Экономика и социум. – 2021. – №. 2-2. – С. 167-169.